# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2025 йил 30 март, № 65 (8960) Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ УМУМИЙ ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 29 март куни олий даражадаги норасмий учрашув ўтказиш учун амалий ташриф билан Олмаота шаҳрида бўлди.**



Давлатимиз раҳбарини Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев кутиб олди. Ўзбекистон етакчиси шарафига фахрий қоровул сафланди ва икки мамлакат байроқлари кўтарилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон — энг яқин қўшни ҳамда иттифоқчи давлатлардир. Уларнинг муносабатлари умумий дўстлик ва яхши қўшничилик тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев «Медеу» тоғ-чанғи кластерига ташриф буюрдилар.

Давлатимиз раҳбарига сел-сув тошқинларидан ҳимоя қилиш мақсадида денгиз сатҳидан 1750 метр баландликда барпо этилган «Медеу» тўғонининг яратилиш тарихи ва архитектуравий хусусиятлари ҳақида сўзлаб берилди.

«Медеу» тўғонининг тепасига 842 поғонадан иборат «Саломатлик зинапояси» олиб боради. 2011 йилда тўғон ёнида «Шимбулоқ» тоғ-чанғи масканига элтувчи 4,5 километр узунликдаги дор йўли қурилган.

«Медеу» спорт мажмуаси 1972 йилда барпо этилган бўлиб, денгиз сатҳидан 1700 метр баландликда жойлашган.

Мажмуа муз майдонининг юзаси 10,5 минг квадрат метр бўлиб, бир вақтда 3 минг нафаргача кишини қабул қила олади. Ҳар йили унга 400 мингдан ортиқ меҳмонлар ташриф буюради.

Бугунги кунда мажмуа спорт, туризм ва маданият кластери сифатида фаолият юритмоқда. Спорт мусобақалари, оммавий коньки учиш, маданий тадбирлар, фестиваллар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

2011 йилда бу ерда VII қишки Осиё ўйинлари, 2017 йилда Бутунжаҳон Универсиада мусобақалари ўтказилган.

Танишув чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари ёш фигурали учувчиларнинг кўргазмали чиқишларини томоша қилдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Олмаота шаҳрида норасмий учрашув ўтказдилар.

Икки мамлакат делегациялари иштирокида Ўзбекистон — Қозоғистон яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини изчил мустаҳкамлаш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари бир-бирини ҳамда қардош халқларимизни баҳор айёми Наврўз ва яқинлашиб келаётган Рамазон ҳайити билан самимий қутладилар.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик юксак даражага кўтарилгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Барча даражаларда фаол мулоқотлар олиб борилмоқда. Товар айирбошлаш ҳажми йил бошидан буён 14 фоизга ошди, умумий қиймати 4 миллиард доллардан зиёд инвестиция лойиҳалари портфели шакллантирилди, яқин ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинув ривожланмоқда.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистон Бош вазирлари ўринбосарларининг ўзаро савдони кўпайтириш, машинасозлик, электротехника, нефть-газ, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор тармоқларда етакчи корхоналарнинг кооперация лойиҳаларини илгари суриш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини тингладилар.

Президентлар саноат кооперацияси бўйича узоқ муддатли дастурни шакллантириш, минтақавий аҳамиятга эга инфратузилмавий лойиҳаларни жадаллаштириш юзасидан аниқ топшириқлар бердилар.

Жорий йилда Халқаро саноат кооперацияси марказини ишга тушириш бўйича амалий ишларни бошлаш, қўшма ташқи савдо компанияси фаолиятини кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли юртдошлар!

Аввало, сиз азизларни, бутун халқимизни улуғ айём — муборак Рамазон ҳайити билан чин юракдан самимий табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ушбу саодатли дамларда бу йилги Рамазон ойини ҳар томонлама муносиб ўтказиб, Ийд ал-Фитрни эл-юртимиз билан бирга мана шундай шоду хуррамликда кутиб олаётганимиз учун Яратганга беҳисоб шукроналар айтамиз.

Албатта, туб моҳиятида инсонпарварлик ғояси мужассам бўлган муқаддас ислом динининг эзгу қадриятлари бугунги кунда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларга нақадар уйғун ва ҳамоҳанг экани Рамазон ойида янада яққол намоён бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало, маънавий покланиш, сабр-қаноат, шукроналик, хайру саховат фазилатлари улуғланадиган ушбу ойни миллий анъана ва қадриятларимизга мос тарзда, юксак савияда ўтказиш, юртимиз мусулмонлари ибодат амалларини эмин-эркин адо этишлари учун барча шароитлар яратилганини таъкидлаш лозим.

Айниқса, бу муборак ойнинг “**Рамазон — саховат, бирдамлик ва бағрикенглик ойи”** деган ғоя асосида ўтказилгани жамиятимизда тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва саховат муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Шу мақсадда кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар, кекса, ногирон ва ёлғиз инсонлар ҳолидан хабар олиш, камбағал кишиларнинг оғирини енгил қилиш, уйлар ва маҳаллаларни обод этиш, уч авлод вакиллари иштирокида оммавий дарахт экиш, янги боғу роғлар барпо этиш бўйича кўплаб хайрия тадбирлари ўтказилганини қайд этиш зарур. Жумладан, республикамиз бўйлаб кўп миллатли, кўп конфессияли мамлакатимиз жамоатчилиги вакилларини бирлаштирган ифторлик маросимлари бизнинг кучимиз бирликда ва ҳамжиҳатликда эканини яна бир бор яққол намоён этди.

Ўйлайманки, кейинги йилларда яхши анъанага айланган бундай маросимлар инсон қадрини улуғлаш, меҳнаткаш ва олийжаноб халқимизни ягона, аҳил оила сифатида бирлаштириш борасида беқиёс аҳамиятга эга бўлиб, биз бу ишларни бундан буён ҳам албатта давом эттирамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Барчангизга маълумки, ислом — бу аввало, одамийлик, илм-фан, билим ва маърифат, эзгу фазилатларни улуғлаш таълимотидир.

Шу борада мамлакатимизда ислом цивилизацияси ва маданияти асосида яратилган бой илмий-маънавий меросни тўплаш, ўрганиш ва кенг тарғиб этишга сўнгги йилларда улкан эътибор берилмоқда. Айни шу мақсадда юртимизда янги-янги илмий-маърифий марказлар, диний йўналишдаги таълим масканлари, қутлуғ зиёратгоҳлар барпо этилиб, самарали фаолият олиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси гўзал диёримизда барча соҳа ва тармоқлар қатори диний-маърифий ҳаёт ҳам узлуксиз ривожланишда эканидан далолатдир. Бу ишларда юртимиз мўмин-мусулмонлари, бутун халқимизнинг муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлаб, бунинг учун барчангизга самимий миннатдорлик билдираман.

Мана шу шукуҳли айёмда чет элларда она юртга садоқат туйғуси билан яшаётган ватандошларимизни ҳам Рамазон ҳайити билан чин дилдан қутлаб, уларга эзгу тилакларимизни изҳор этамиз.

Ушбу шарофатли кунда дунёнинг узоқ-яқин ўлкаларидаги мусулмон умматини ҳам қизғин табриклаб, уларнинг халқлари ва мамлакатларига дўстлик саломимизни йўллаймиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Сиз, азизларни Рамазон ҳайити билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Рамазон ойида қилган барча эзгу ният ва дуоларимиз ижобат бўлсин!

Аллоҳ таоло жонажон Ватанимиз ва халқимизни ўз паноҳида асрасин!

Ийд ал-Фитр айёми барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУВОЗАНАТИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит яратиш борасидаги тарихий хизматлари ҳақида

*Тарихни шахслар яратади, асрий муаммоларга барҳам беради, мувозанат ҳосил қилади, барқарорликка эришади. Ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳурмат муҳитини шакллантиради. Оқилона муросага келиш йўлларини излайди. Дўстона қадамни биринчи бўлиб ташлайди. Ўртадаги зиддиятларни, келишмовчиликларни, совуқчиликларни орадан кўтаради. Ишонч беради, ишонч уйғотади. Биродар, қондош, қариндош эканликларини эслатади. Тилимиз, динимиз, қалбимиз, қисматимиз бир бўлганини, биз биргаликда кучга айланишимизни англайди, англатади...*

### Нуқтаи назар

Марказий Осиё минтақасининг муаммолари бундан 100 йил олдин халқларимизни мустамлака қилганлар томонидан сунъий равишда, қасддан пайдо қилинганини, белгиланганини инобатга оладиган бўлсак, аҳвол биз ўйлаганимиздан жиддийроқлигини, муаммо жуда чуқур илдиз отганини кўрамиз.

XX асрнинг 1922 йилида тузилган “зулм салтанати” — собиқ иттифоқ ўз манфаатларини ҳисобга олиб, ўзаро низо келтириб чиқариш, ер-сув талашишларни мўлжаллаб, 1924 йилда Туркманистон, 1925 йилда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, 1929 йилда Тожикистон Республикалари ўртасидаги чегараларни қонли қизил чизиқлар билан белгилади.

1991 йилда Марказий Осиё республикалари мустақиллик эълон қилди. Бироқ мустақилликка эришгандан 25 йил ўтиб — 2016 йилда Ўзбекистон давлати бошқарувига Президент Шавкат Мирзиёев келганидан сўнг Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳит шаклланди. Давлат чегаралари борасидаги умуман боши берк кўчага кириб қолган музокаралар яна қайтадан бошланди.

Марказий Осиёнинг бир асрлик муаммосига ечим топиш Президент Шавкат Мирзиёевнинг чекига тушган эди. У улкан айсбергни ўрнидан силжитди. **Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси билан Марказий Осиёда маслаҳатлашувдан мақсадга, муаммодан муваффақиятга, таҳликадан тараққиётга йўналтирилган янги тамойил яратилди.** Халқаро доираларда “Сиёсий ишонч даражаси сезиларли даражада ошди”, “Минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит”, “Ягона тарих ва умумий келажак”, “Барқарор ривожланиш ва тараққиёт”, “Яқин қўшничилик ва стратегик шериклик” каби Президент Шавкат Мирзиёевга тегишли бўлган иборалар қўлланила бошлади.

→ 2

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

***Мўмин-мусулмонлар учун муқаддас бўлган, руҳий покланиш, меҳр-оқибатли бўлиш, муҳтожларга кўмак ва ғамхўрлик кўрсатишга ундовчи Рамазон ойи ва муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли дин ва жамоат арбобларидан қутловлар келмоқда.***

*Хорижий ҳамкорлар Ўзбекистон ва унинг кўп миллатли халқига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилаб, мамлакатимиз билан дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга интилишини тасдиқламоқда.*

Қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Саудия Арабистони Подшоҳи **Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд;**

Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси **Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд;**

Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоған;**

Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев;**

Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров;**

Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон;**

Туркманистон Президенти **Сердар Бердимуҳамедов;**

Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимуҳамедов;**

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев;**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён;**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум;**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти **Шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаён;**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён;**

Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси;**

Эрон Ислом Республикаси Президенти **Масъуд Пезешкиён;**

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири **Шаҳбоз Шариф;**

Қатар Давлати Амири **Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний;**

Қатар Давлати Амирининг ўринбосари **Шайх Абдуллоҳ бин Ҳамад Ол Соний;**

Кувайт Давлати Амири **Шайх Мишъал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ;**

Кувайт Давлати Валиаҳди **Шайх Сабоҳ Холид ал-Аҳмад ас-Сабоҳ;**

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи **Абдулла II;**

Ўмон Султони **Ҳайсам бин Торик Ол Саид;**

Баҳрайн Подшоҳи **Шайх Ҳамад бин Исо Ал Халифа;**

Марокаш Қироли **Муҳаммад VI;**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулмажид Таббун;**

Тунис Республикаси Президенти **Қайс Саид;**

Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос;**

Ливия Давлати Президент кенгаши раҳбари **Муҳаммад Юнус Ал-Манфи;**

Сомали Федератив Республикаси Президенти **Ҳасан Шайх Муҳаммад;**

Исроил Давлати Президенти **Ицхак Герцог;**

Ислом ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Ҳусайн Иброҳим Тоҳа;**

Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши бош котиби **Жасим Муҳаммад Ал-Будайвий;**

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омуралиев;**

Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши раиси **Бинали Йилдирим;**

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Фаридун Синирли ўғли;**

Ислом тараққиёт банки раиси **Муҳаммад Сулаймон Ал-Жасир;**

«Ал-Азҳар» мажмуаси шайхи **Аҳмад Таййиб;**

Кавказ мусулмонлари идораси раиси **Шайхулислом Оллоҳшукур Пошшозода.**

*Табриклар келишда давом этмоқда.*

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ УМУМИЙ ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Минтақавий кун тартиби, шу жумладан, яқин ойларда Ўзбекистонда ўтказиладиган Марказий Осиё саммитларига тайёргарлик юзасидан фикр алмашилди.

Бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Учрашув ҳар доимгидек дўстона ва ишчан руҳда ўтди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев биргаликда «AlmatyFair.ai» рақамли технологиялар ва сунъий интеллект кўргазмасига ташриф буюрдилар.

Давлат раҳбарларига мазкур соҳалардаги илғор ечимлар ва инновацион ишланмалар ҳақида ахборот берилди.

Қозоғистон Президенти ташаббуси билан ташкил этилаётган «Alem.ai» сунъий интеллект марказининг тақдимоти бўлиб ўтди.

«Alem.ai» — сунъий интеллект соҳасида мутахассисларни ўқитиш, стартапларни ишга тушириш ва илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун платформа.

Етакчилар Марказий Осиёдаги энг йирик технопарклар бирлашмаси — «Central Asian Innovation Hubs» («Astana Hub» ва «IT Park Uzbekistan») фаолияти билан ҳам танишдилар.

Президентлар рақамлаштириш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма IT маҳсулотларини яратиш, сунъий интеллект ва илғор ахборот технологиялари соҳасидаги миллий стратегияларни ўзаро боғлаш муҳимлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олмаота шаҳрига ташрифнинг маданий дастури доирасида Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан биргаликда Абилхон Кастеев номидаги Миллий санъат музейига ташриф буюрди.

Халқ рассомлари — қозоқ тасвирий санъати асосчиси Абилхон Кастеев ва ўзбек рангтасвир устаси Ўрол Тансиқбоев асарлари томоша қилинди.

Кўргазма Ўзбекистон ва Қозоғистон бой бадиий меросининг ёрқин ифодаси, икки қардош халқ ўртасидаги мустаҳкам маданий алоқаларнинг рамзи бўлди.

Давлат раҳбарлари санъат соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, шу жумладан, қўшма тадбирлар ўтказиш, маданий мулоқотни ривожлантиришга хизмат қиладиган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш муҳимлигини таъкидладилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қозоғистон Республикасига амалий ташрифи якунланди.

Олмаота халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев кузатиб қўйди.

**ЎзА.**

**Учрашув**

# ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоиловнинг Венгрия Давлат аудит идораси раиси Ласло Виндиш бошчилигидаги делегация билан учрашуви бўлиб ўтди.*

Мулоқот давомида меҳмонга “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилган ислоҳотлар, Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолияти, қўмиталар, комиссиялар ҳамда депутатларнинг асосий вазифалари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Венгрия делегацияси раҳбари самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, идоралараро ҳамкорлик давлатлар ўртасидаги илиқ муносабатларга сезиларли туртки бўлувчи омиллигини таъкидлади.

Меҳмоннинг фикрига кўра, Венгрия Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликни фаоллаштиришдан манфаатдор бўлиб, хусусан, Ўзбекистон билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратади ва фаол ҳамкорликка тайёр.

“Ўзбекистон ва Венгрия ўртасида иқтисодий ва савдо соҳаларида ҳамкорликни юқори поғонага олиб чиқишга барча шароит мавжуд. Мамлакатингиз бозорида 10 га яқин Венгрия корхоналари фаолият юритмоқда ва келгусида бу сон ошишига умид қиламиз. Хусусан, фармацевтика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорликни фаоллаштириш мумкин, деб ўйлайман”, деди делегация раҳбари.

Шу билан бирга, Л. Виндиш Венгрия давлат аудит идораси ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ўртасида ҳамкорлик бўйича келишув имзолангани ҳамда мазкур ташриф доирасида чора-тадбирлар режаси имзоланиши режалаштирилганини таъкидлади.

Учрашув дўстона ва конструктив руҳда ўтди.

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ СОҲАСИДА ТАЖРИБА АЛМАШИНАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоиловнинг Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси халқаро бўлими мудири Лю Цзяньчао бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.*

Мулоқотда кейинги йилларда Ўзбекистон ва Хитой ўртасида икки томонлама алоқаларнинг барча йўналишида ўзаро муносабатлар фаоллашиб, кўп томонлама мулоқотлар мустаҳкамланиб бораётгани, мамлакатларимиз минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан бир-бирини қўллаб-қувватлаётгани алоҳида эътироф этилди. Айниқса, икки давлат раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Си Цзиньпиннинг қатъий сиёсий иродаси, олий даражадаги учрашувлар туфайли Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлик муносабатлари кенг кўламли аҳамият касб этиб, стратегик шериклик даражасига кўтарилди, турли соҳалардаги муносабатлар янги босқичга чиқди.

Учрашувда делегация аъзоларига мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, янги таҳрирдаги Конституция нормаларини рўёбга чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳамда Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ўз навбатида, Лю Цзяньчао икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги ишончли мулоқотлари ва кенг кўламли алоқалари Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг бутун спектрини ривожлантиришга туртки бўлаётганини таъкидлаб, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан барча соҳада амалга оширилаётган жадал ислоҳотлар улкан натижалар бераётганини юқори баҳолади. Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсаётгани, салоҳиятли инвесторларнинг кенг эътибори мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жуда пухта ўйланганидан далолат экани алоҳида қайд этилди.

Конструктив руҳда ўтган учрашувда парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, қонун ижодкорлиги соҳасида ўзаро тажриба алмашиш, икки томонлама муносабатлар динамикасини бойитишга қаратилган аниқ йўналиш ва таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида “ақл марказлари” ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида саноат ҳудудларини яратиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, коррупцияга қарши курашиш, рақамлаштириш соҳасида алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш бўйича сўз юритилди.

Самимий ва дўстона руҳда ўтган учрашувда томонлар ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқишга келишиб олди.

**«Халқ сўзи».**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУВОЗАНАТИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит яратиш борасидаги тарихий хизматлари ҳақида

1

Марказий Осиё мамлакатларида чорак аср давомида ишончсизлик ҳукм сурди, душманлик кайфияти сингдирилди, ахборот хуружи авж олди. Шундай сиёсий муҳит юзага келган эдики, уни яхшилик сари ўзгартиришни тасаввур этиш қийин эди.

Трансчегаравий дарёлар, жанжалли ҳудудлар, ер-сув ва ҳаво масалаларида томонлар бир-бирини айблашдан нарига ўтмасди. Чегаралардаги ўтказиш пунктлари ёпилган, тоғ-тошлар миналаштирилган эди. Ҳеч бир соҳада борди-келди йўқ, барча алоқалардан, қадриятлар, тил, тарих, дин бирлигидан кўз юмилганди. Айниқса, Ўзбекистон — Қирғизистон, Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари ачинарли, таҳликали, ташвишли эди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг оқилона сиёсати ва қатъий сиёсий иродаси туфайли вазият ўнгланди. **Президент Шавкат Мирзиёев номи Марказий Осиёнинг янги тарихини яратувчи шахс сифатида халқларимиз қалбига муҳрланди.** Марказий Осиёнинг янги тарихи 2016 йилдан бошланганлигини ва бу жараёнда Шавкат Мирзиёев ҳал қилувчи ўрин тутганини унутишга ҳаққимиз йўқ.

Юз йиллик адоватга тарих учун жуда қисқа бўлган бир неча йил ичида чора топилди. Марказий Осиё осмонини қоплаб олган қора булутлар тарқалди. Айниқса, халқларимизнинг хурсандлигини айтмайсизми? Унутилаёзган анъаналар тикланди. Борди-келдилар изига тушди. Эт билан тирноқни ажратиб бўлмас экан. Бу ҳақиқатни яна бир бор чуқур англаб етдик...

Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг йиғилишларида бу ҳақда халқаро ҳамжамиятга қарата шундай деган эди: **“Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратмоқда. Бу — ҳар томонлама чуқур ўйлаб танланган йўлдир”.**

Ҳа, бу ортга қайтиб бўлмас йўлдир. Биз йўқотиб қўйган, узоқ сарсон-саргардон бўлган йўлдир. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Биз кўп вақт йўқотдик ва бунинг бадалини ортиғи билан тўладик.

Мамлакатимиз ташқи сиёсатида Марказий Осиё қай даражада муҳим ўрин тутишини давлатимиз раҳбарининг турли минбарларда туриб билдирган фикрлари ҳам яққол кўрсатиб беради.

**“Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё — биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир”.** Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган мазкур ғоялар нақадар тўғри ва адолатли эканини бутун дунё эътироф этмоқда, тан олмоқда. Марказий Осиёда душманчилик, келишмовчиликлар ўрнини аллақачон ўзаро ҳамжиҳатлик эгаллаган.

**“Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегаралари тўғрисидаги шартнома имзоланиши том маънода муҳим воқеа бўлди... Ўтган йигирма олти йил давомида биринчи марта ушбу ғоят нозик масала бўйича катта натижага эришилди”.** Ўзбекистон — Қирғизистон чегараларидаги вазиятни ечиш, ҳатто бу ҳақда ўйлаб кўриш ҳам ўта оғриқли эди. Муаммонинг бартараф этилишини ўзбек дипломатиясининг XXI асрдаги энг катта ютуқларидан бири сифатида қайд этса бўлади. Унгача бу чегараларга неча марта ҳарбий техникалар келтирилиб, уруш



**Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

ҳолати юзага келган эди. Юқорида айтилганидек, 26 йилда музокаралар столи атрофига кўп марта ўтирилишига қарамасдан айтарли бирор натижага эришиб бўлмаганди.

**“Марказий Осиёнинг дунёга очиқлиги — минтақа хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлайдиган энг муҳим шартга айланмоқда... Халқларимизни минтақавий ўзига хосликни англаш туйғуси бирлаштирмоқда ва бу туйғу тобора кучайиб бормоқда. Бизнинг нафақат тарихимиз, балки келажагимиз, ҳаётий муҳим манфаатларимиз ҳам умумий ва муштаракдир”.** Ваҳоланки, 2016 йилгача Марказий Осиё ҳақида сўз борса: улар бир-бири билан келишолмайди, урушга тайёргарлик кўришяпти, деган тушунчалар ҳукмрон эди. Бу, аввало, Марказий Осиё мамлакатларининг умумий душманларига қўл келарди. Улар бизни бир-биримиздан эҳтиёт бўлишга, қуролланишга даъват этарди. Уларнинг хавотири, қўрқуви — Марказий Осиёнинг бирлашуви, якдиллиги эди. Улар асрлар давомида бунга йўл қўйишмаган. Вақти-вақти билан фитна қўзғашган.

**“Марказий Осиё бирдамлик йўлидан боришда давом этади. Марказий Осиёни тинч ва гуллаб-яшнаётган ҳудудга айлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатида бундан буён ҳам устувор мақсад бўлиб қолади”.**

Президентимизнинг юқорида биз келтирган фикрлари жаҳоннинг энг юксак, нуфузли минбарларидан айтилганини, бутун дунёга билдирилганини ҳисобга оладиган бўлсак, Ўзбекистон томони мазкур ғояга содиқ эканини англаймиз. Нафақат содиқмиз, балки ушбу ғояни янада мустаҳкамлаш йўлида курашамиз, интиламиз.

Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва тараққиёт, ҳамжиҳатлик, аҳиллик, яхши қўшничилик муносабатлари кимларгадир ёқмаслиги, кимларнингдир манфаатларига зид экани ҳам инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат. Буни биз Марказий Осиёда юз берган бир нечта салбий воқеалар мисолида ҳам кўрдик.

2021 йил 29 апрель куни Қирғизистон — Тожикистон чегарасида содир бўлган қуролли тўқнашувни афсус ва надомат билан эслаймиз. Бу воқеа Марказий Осиё минтақасидаги тинчликни кўра олмайдиган кучлар учун айни муддао эди. Қардошларимиз бошига тушган оғир, синовли кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев уларга биринчи бўлиб дўстона қўл узатди. Қирғизистон Президенти Садир Жапаров ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонни муросага чақирди. Муаммони дипломатик йўл билан ҳал этиш ғоясини илгари сурди.

Таҳликали ва мусибатли кунларда томошабин бўлганларни ҳам кўрдик. Ҳар икки томонда, хориждаги айрим бузғунчи кучларнинг уруш оловини ёқишга ва вазиятни бутунлай издан чиқаришга интилганига гувоҳ бўлдик.

> *Марказий Осиёнинг бир асрлик муаммосига ечим топиш Президент Шавкат Мирзиёевнинг чекига тушган эди. У улкан айсбергни ўрнидан силжитди. Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси билан Марказий Осиёда маслаҳатлашувдан мақсадга, муаммодан муваффақиятга, таҳликадан тараққиётга йўналтирилган янги тамойил яратилди. Халқаро доираларда “Сиёсий ишонч даражаси сезиларли даражада ошди”, “Минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит”, “Ягона тарих ва умумий келажак”, “Барқарор ривожланиш ва тараққиёт”, “Яқин қўшничилик ва стратегик шериклик” каби Президент Шавкат Мирзиёевга тегишли бўлган иборалар қўлланила бошлади.*

Ўзбекистон раҳбарининг икки ён қўшни — жон қўшни мамлакатни муросага келтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари изчил давом этди. ***Президент Шавкат Мирзиёев Марказий Осиёда келиб чиқиш эҳтимоли катта бўлган урушнинг олдини олди, дейишга бугун тўла асосимиз бор.***

Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон орадан тўрт йил ўтгандан сўнг, яқинда Қирғиз Республикасига ташриф буюриши, икки мамлакат раҳбарларининг бир-бирига бўлган самимий ва дўстона муносабатлари замирида Президент Шавкат Мирзиёевнинг тарихий хизматлари борлигини алоҳида эътироф этиш керак.

Марказий Осиё минтақаси 2016 йилгача дунёда уруш келиб чиқиши муқаррар бўлган ҳудудлар рўйхатида турар эди. Мамлакатларимизнинг 34 йиллик тарихида бу совуқ башорат бир неча марта ҳақиқатга айланиши эҳтимоли бўлди.

Расмий Тошкент қўшнилар билан муносабатларда дунё дипломатиясида кам учрайдиган йўлдан борди. Бу, аввало, қўшнилар манфаатини устун қўйиш, муносабатлар шаффофлиги, тенглик тамойилига амал қилиш, манфаатлар мувозанатига эришиш, йиллар давомида ҳукм сурган ва ўзини оқламаган барча тартиблардан воз кечишда намоён бўлди.

**Марказий Осиёда Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг бағрикенглик, инсонпарварлик ва ўзаро меҳрга, ҳурматга асосланган самимий дипломатияси ғалаба қозонганини баралла айта оламиз.**

Жаҳон иқтисодиётида исбот талаб қилмайдиган, ҳеч қачон ўзгармайдиган қонуниятлар бор. Бу, аввало, масофанинг яқинлиги, харажатларнинг камайиши, бир-бирини таржимонсиз тушуниш кабилардир. Ушбу омиллар давлатлар ўртасидаги муносабатларни янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Ишончимиз комилки, бир кун келиб Марказий Осиё республикалари мутахассислари 25 йил давом этган совуқ муносабатлар давлатларимиз иқтисодиётига қанчалик зарар етказганини ҳисоб-китоб қилади. Бу масаланинг фақат иқтисодий томони, унинг маънавий зарари, халқларимиз қалбига етказган жароҳатини эса, минг афсуски, ҳисоблаб бўлмайди.

Жаҳон тарихида урушларни кимлар келтириб чиқаргани, низоларга нима сабаб бўлгани ўрганилган, таҳлил қилинган, хулосалар чиқарилган. Қонли урушларни тўхтатганлар, жанжалларни бартараф этганлар ва ҳар икки томонни муросага келтирганлар номи ҳам тарих саҳифаларида қайд этилган.

**Дунёдаги энг нуфузли Нобель мукофоти 1906 йилда президентлар ичида биринчи бўлиб Америка Қўшма Штатлари тарихида энг ёш давлат раҳбари бўлган Теодор Рузвельтга “Япония ва Россия ўртасида олиб борилган урушни тугатишдаги ўрни учун” берилган.**

*1973 — 1977 йиллар давомида АҚШ Давлат котиби лавозимида фаолият кўрсатган, жаҳонга машҳур сиёсатчи Генри Киссинжер “1973 йилда Вьетнамда ўт очишни тўхтатиш бўйича биргаликда музокаралар олиб боргани учун” бу мукофотни қўлга киритган.*

**АҚШнинг 44-Президенти Барак Обама ҳам 2009 йилда “Халқаро дипломатия ва халқлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги саъй-ҳаракатлари учун” Нобель мукофотига сазовор бўлган эди.**

Бу, ўз навбатида, шахсларнинг тарих олдидаги хизматларини муносиб эътироф этиш белгиси ҳамдир. Тарихдан тўғри хулоса чиқариш келажак учун муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслик керак.

Шу ой охирида Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон лидерлари иштирокида тарихда илк бор уч томонлама саммит бўлиб ўтади. Сиёсатчиларнинг таҳлилига кўра Хўжанд учрашуви уч мамлакат ўртасидаги минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлади. Етакчилар Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлашга қаратилган ҳамкорликнинг асосий масалаларини атрофлича муҳокама қилиши кутилмоқда.

Марказий Осиё масъулияти ва унда Ўзбекистон томонининг ўрни тобора мустаҳкамланиб, барқарорлашиб бораётгани исбот талаб этмайдиган ҳақиқат. Минтақадаги бугунги янги Ўзбекистоннинг мақсади гегемонлик эмас, балки очиқлик, биргаликда тараққиётга эришиш, қўллаб-қувватлаш, ҳамкорликда ривожланиш, бир бутун Марказий Осиё ғоясига содиқ қолишдир.

Менинг назаримда бу ҳақиқатни биз, Марказий осиёликлар узоқ изладик. Бу йўлда қанчадан-қанча имкониятларни бой бердик. Аждодларимиз мана шу кунларни кўришга зор бўлди. Энди уни асраш керак, эҳтиёт қилиш зарур.

# Инсонпарварлик тамойилининг амалий ифодаси

*Юрт равнақи, жамият тараққиёти инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан бошланади. Ўзбекистон бугун дунё ҳамжамиятига “Инсон қадри учун!” деган бош ғоя асносида айнан мазкур тамойилларни илгари сурган ҳолда ривожланаётган давлат сифатида танилмоқда.*

**Акс садо**

Мамлакатимиз юксалиши йўлида олиб бораётган бирдамликдаги саъй-ҳаракатимиз, турли соҳалар ривожида қўлга киритилаётган, эътироф этишга арзигулик муваффақият ва натижаларимиз ҳам, энг аввало, мазкур жиҳатга асосланиши билан эътиборга молик, албатта.

Шу нуқтаи назардан, муборак Рамазон ойининг файзли ва шукуҳли кунларида давлатимиз раҳбари томонидан “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармоннинг имзоланишини кенг жамоатчилик хурсандчилик билан кутиб олди.

Кейинги йилларда юртимизда афв институти механизми инсонпарварлик ва адолат мезонларига ҳамоҳанг тарзда шаклланди ҳамда жазо муддатини ўтаётган, қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий кирган шахсларга янги ҳаётга қайтиш имкониятини тақдим этмоқда. Аҳамиятлиси, ушбу хайрли анъана нафақат улар учун, балки жамият учун ҳам ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эга. Боиси афв адолат мезонларини таъминлаб, жамиятимизда одиллик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилади.



Фармон билан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 488 нафар шахс афв этилди (ўтган йили бу кўрсаткич 426 нафар эди). Жумладан, уларнинг 100 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 268 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 34 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 86 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Бу рақамлар ортида бир неча юзлаб инсонлар тақдири ўзгариши, уларни оилалари катта умид ва интизорлик билан кутаётганини инобатга олсак, жиноятга бериладиган жазо ижро тизими фақат муқаррар жазолаш эмас, балки инсонни тўғри йўлга қайтариш, унинг ижтимоий реабилитациясини таъминлашга ҳам қаратилганини англаймиз. Бугун озодликка чиқаётган шахсларнинг катта қисми Рамазон ҳайитини ўз уйида кутиб олади.

Афв этилганларнинг тақдирини ўзгартириб, жамият, фуқаролар учун фойдаси тегадиган шахсларга айланишига дебоча бўлган ушбу воқеликдан сўнг ота-оналар фарзандлари билан қайтадан учрашмоқда, болалар эса отаси ёки онаси кўксига бош қўймоқда. Бу, ўз навбатида, кечиримлилик — жамиятни бирлаштирувчи, уни кучли ва бағрикенг қиладиган юксак фазилат эканини англатади.

“Хатолар инсонни тарбиялайди”, дейишади. Аммо баъзан бу дарс бағоят оғир кечади. Биргина кичик хато ҳам инсоннинг ҳаётини ўзгартириши, уни оиласидан, эркидан, жамиятдаги ўрнидан айириши мумкин. Бироқ айрим хатолар борки, улар фақат жазо билан эмас, тўғри йўлга қайтиш имконияти билан ҳам қабул қилиниши керак.

Биз инсонпарвар ва адолатпарвар жамият барпо этиш йўлида афв институтининг аҳамиятини юксак баҳолаймиз. Чунки адолат фақат жазо билан эмас, балки тарбия, инсон қадрини улуғлаш ва жамиятга қайтариш йўли билан ҳам таъминланади.

**Робахон МАҲМУДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси раҳбари.**

**Президент мактаблари ўртасида илк бор ўтказилган «STEM+» мусобақасининг республика босқичи якунланди.**

# ҚЎШМА ТАЪЛИМ ТАШАББУСЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТ

*Шу йил 10 март куни Париж шаҳрида “Илм-фан ва таълим: Ўзбекистон — Франция кўприги” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ушбу тадбир таълим ҳамда илм-фан соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди, десак, айни ҳақиқат.*

*Таъкидлаш жоизки, икки мамлакат халқлари ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар, илмий-техникавий ва бошқа соҳадаги алоқалар узоқ тарихга эга.*

## Мушоҳада



Мамлакатимиздаги бир неча олий таълим муассасаларида, жумладан, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Андижон давлат университети, Бухоро давлат университети, Қарши давлат университети, Самарқанд давлат чет тиллари институти талабалари француз тилини иккинчи тил сифатида ўрганмоқда. Бугунги кунда улар сони 15 минг нафардан ошади.

Бизнинг университет ҳам Франция олий таълим муассасалари билан фаол алоқаларни йўлга қўйган. Айни пайтда ушбу давлатнинг ўндан ортиқ нуфузли университетлари билан талабалар ва профессорлар алмашинув дастурларида фаол иштирок этяпмиз, “Erasmus+” грантларида ҳамкорлик қилинаётир.

Бунга ёрқин мисол сифатида “CNRS” (Франция Миллий тадқиқотлар маркази) ва Пуатье университети билан ҳамкорлигимизни келтириш мумкин. Айниқса, ЎзМУ Пуатье университети билан академик мобиллик дастурлари ва инклюзив таълим ташаббусларини амалга ошириш бўйича стратегик ҳамкорликни йўлга қўйган. Жорий йилнинг февралида университетимиз профессорлари “Erasmus+ Staff Week” дастури доирасида Пуатье университетида маърузалар ўқиди. Бу эса академик ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Эътироф этиш жоизки, охирги уч йил ичида 20 дан зиёд талабаларимиз “Erasmus+” дастури бўйича Тур, Пуатье ва Сорбонна IV каби етакчи университетларда академик мобиллик бўйича бир семестр давомида ўқишга юборилди. Шунингдек, 25 нафар ўқитувчи Франция университетларида амалиёт ўтаб қайтди. Сорбонна IV университети билан “ERASMUS-EDU-2022-CBHE-STRAND-2” — “INMACOM” лойиҳаси амалга оширилиб келинмоқда.

Бундан ташқари, Пуатье, Бордо-Монтань, Тур, Гавр, Лион II ва Ренн университетлари билан алоқаларимиз қўшма таълим ташаббусларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратмоқда. Ушбу йўналишда муҳим лойиҳалардан бири — бўлажак Ўзбекистон — Франция университети доирасида биоинформатика ва математика йўналишида мутахассислар тайёрлашга оид келишувдир. Шунингдек, Пуатье университети проректори ва Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакилларининг яқинда амалга оширган ташрифи икки томонлама ҳамкорликнинг юқори даражада эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Дарвоқе, француз тили ва маданияти анъанавий равишда Ўзбекистонда катта қизиқишга эга бўлиб, университетларимиз француз тилини чуқур ўрганиш ва маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришга қаратилган дастурларни фаол жорий этмоқда. Ўтган йил ноябрь ойида Ўзбекистон Миллий университетида Франция элчихонасининг қўллаб-қувватлаши билан бутун республика бўйлаб француз тили ўқитувчилари учун малака ошириш курслари ўтказилди. Франциялик етакчи профессорларнинг қатнашиши замонавий ўқитиш методикаларини қўллашга ўтиш имконини берди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида фаолият юритаётган “Ўзбекистон — Франция” дўстлик жамияти маданий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Жамият француз адабиёти ва санъатини оммалаштиришга қаратилган турли тадбирларни ташкил қилаётир. Тошкентдаги “Франция альянси” билан ҳамкорликда танловлар, викториналар ва тематик кечалар ўтказилиб, маданиятлараро мулоқотни мустаҳкамлаш ва Ўзбекистонда француз тилини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

Яқинда Франкофония халқаро куни муносабати билан ташкил этилган “Францияга саёҳат” тадбири француз тилини ўрганаётган талабалар ва ўқитувчиларни бир жойга жамлади. Бу икки давлат ўртасидаги маданий ҳамкорлик ҳам ҳавас қилгулик даражада эканлигидан далолатдир.

Барчамизга аёнки, бизда сунъий интеллект, барқарор ривожланиш, энергетика ва таълимни рақамлаштириш каби замонавий соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш учун катта салоҳият мавжуд. Шундан келиб чиқиб, келгуси алоқаларни кенгайтириш бўйича қатор таклифларимизни келтирмоқдамиз.

Аввало, Ўзбекистон — Франция университети таркибида француз — ўзбек илмий таржима марказини яратиш яхши самара беради. Бу француз илмий ва адабий асарларининг ўзбек тилига ҳамда ўзбек илмий ва адабий асарларининг француз тилига мунтазам таржима қилиб борилишини таъминлаб, академик нашрлар алмашинуви учун ягона база яратишга замин ҳозирлайди.

Иккинчидан, икки мамлакат университетлари доирасида илғор рақамли технологиялар бўлимини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ. Ушбу бўлимда сунъий интеллект, маълумотлар таҳлили, рақамли иқтисодиёт ва бошқа инновацион соҳаларда икки давлат олимлари томонидан тадқиқотлар олиб борилади.

Учинчидан, француз тилидаги таълим дастурларини кенгайтириш бугунги кун талабларига мос фаолият ҳисобланади. Хусусан, биотехнология, тиббиёт физикаси, кимё, сунъий интеллект ва муҳандислик йўналишларида қўшма бакалавр ҳамда магистр дастурлари жорий этилиши талабаларнинг икки давлат ўртасидаги академик мобиллигини кучайтиради.

> *Эътироф этиш жоизки, охирги уч йил ичида 20 дан зиёд талабаларимиз “Erasmus+” дастури бўйича Тур, Пуатье ва Сорбонна IV каби етакчи университетларда академик мобиллик бўйича бир семестр давомида ўқишга юборилди. Шунингдек, 25 нафар ўқитувчи Франция университетларида амалиёт ўтаб қайтди. Сорбонна IV университети билан “ERASMUS-EDU-2022-CBHE-STRAND-2” — “INMACOM” лойиҳаси амалга оширилиб келинмоқда.*

Айтиш жоизки, “Илм-фан ва таълим: Ўзбекистон — Франция кўприги” мавзуидаги конференция доирасида Ўзбекистон Миллий университети Франция томони билан бир қанча битимлар имзолашга эришди. Масалан, Ўзбекистон — Франция консорциум университетлари доирасида Ўзбекистон Миллий университети ва Пуатье университети билан ҳамкорлик тўғрисидаги битим. Бунда Пуатье университетида илм ва таълим соҳасида талабалар академик мобиллиги, профессор-ўқитувчилар ҳамда докторантлар стажировка ва малака оширишга юбориш йўлга қўйилади.

Ёки ЎзМУ билан Париж XIII Шимолий Сорбонна университети ўртасида академик мобиллик тўғрисидаги битим. Бунда Париж XIII Шимолий Сорбонна университетининг профессор-ўқитувчилари билан биргаликда илмий, педагогик ва маданий алоқаларни ривожлантириш, иштирокчиларнинг малакасини оширишга юбориш, лингвистика, ижтимоий фанлар, этнология, ҳуқуқ, иқтисодиёт, математика, физика йўналишлари бўйича бакалавриат ва магистратура босқичларида қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш юзасидан музокаралар олиб борилди.

Шунингдек, ЎзМУ ҳамда “ASIE” — Халқаро бирдамлик ва таълим ассоциацияси ўртасида академик мобиллик тўғрисидаги битим ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Келгусида мазкур битим доирасида “Objectifs du Developpement Durable (ODD) — Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)” халқаро ёшлар лойиҳаси амалга оширилади. Унда ЎзМУ “ASIE” фонди орқали ҳар йили 10 нафар талаба ва 1 нафар ўқитувчини Францияга жўнатади. 10 нафар француз талабаси ва 2 нафар француз мутахассис ЎзМУда бўлиб ўтадиган “Халқаро ёшлар ёзги мактаби”да иштирок этиши режалаштирилган.

Илм-фан ва таълим соҳасидаги бундай саъй-ҳаракатлар икки мамлакат олий таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан эътиборга молик.

**Шухрат ТОШМАТОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университетининг ўқув ишлари бўйича проректори.**

# ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

## Европа Иттифоқи — Марказий Осиё вазирлари учрашуви

*Туркманистон пойтахти Ашхобод шаҳрида Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг 20-учрашуви бўлиб ўтди.*

Унда Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон ташқи ишлар вазирлари ҳамда ЕИнинг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили ҳамда Европа комиссияси вице-президенти Кая Каллас қатнашди.

Вазирлар жорий йил 3-4 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммитига тайёргарлик, шунингдек, ҳозирги геосиёсий вазиятнинг минтақавий оқибатлари, транспорт ва рақамли ўзаро боғлиқликни ривожлантириш, энергетика, сув ресурслари, савдо, таълим ҳамда фан соҳаларидаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди.

Эслатиб ўтамиз, келаси ҳафта Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммитида қатнашиш учун Европа Кенгаши раиси Антонио Кошта ва Еврокомиссия раиси Урсула фон дер Ляйен, шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон етакчиларининг Ўзбекистонга келиши кутилмоқда.

## Данияда аёллар ҳам ҳарбий хизмат ўтайди

*2025 йил 1 июлдан Данияда аёлларни ҳам ҳарбий хизматга чақириш йўлга қўйилади. Аслида, аёлларни хизматга чақириш мазкур мамлакатда 2027 йилдан бошланиши кутилган эди. Аммо ҳукумат жорий йилдан армияда “эркаклар ва аёллар ўртасида тўлиқ тенгликни таъминлаш” учун ислоҳотларни тезлаштиришга қарор қилган.*

Мамлакат мудофаа вазири Троэлс Лунд Поулсеннинг айтишича, “мудофаа сиёсати ва хавфсизлик соҳасидаги ҳозирги вазият” туфайли шу амалиётни бошлашга мажбур бўлинган. Аёлларни хизматга чақириш ҳарбий хизмат муддатини тўрт ойдан 11 ойга қадар оширишни назарда тутувчи ислоҳотларнинг бир қисми ҳисобланади.

“Deutsche Welle”да тарқатилган хабарга кўра, февраль ойида Метте Фредериксен бошчилигидаги Дания ҳукумати жорий ва келгуси йиллар учун мудофаа бюджетини жами 6,8 миллиард еврога оширишни эълон қилган.

Дания Норвегия ва Швециядан кейин аёллар учун мажбурий ҳарбий хизматни жорий этган НАТОнинг учинчи давлатидир.

## Буюк Британияда қадимий хазина топилди

*2021 йилда Буюк Британиянинг Норт-Йоркшир графлигига қарашли Мелсонби қишлоғи яқинидаги майдондан милодий I асрга оид энг йирик хазина топилган эди. Уни Питер Хедс исмли маҳаллий фуқаро металл изловчи қурилма ёрдамида аниқлаган.*

У топилма борасида Дурҳам университети археология профессори Том Мурга мурожаат қилган ва тўлақонли қазиш ишларини ташкиллаштиришда ёрдам берган. Археологлар ердан милодий I асрга тегишли 800 дан ортиқ буюмларни қазиб олган.

“The Guardian” нашрининг мухбирлари ёзишича, таҳлиллар мазкур топилма мамлакатнинг шаклланиш тарихига янгича назар билан қараш имконини беришини кўрсатди. Олимларнинг аниқлашича, топилма Англиянинг шимолини назорат қилган кельт қабиласи — бригантлар билан боғлиқ. Артефактлар орасида от-араваларга тегишли буюмлар — 28 та ғилдирак тўғини, камида 14 та от учун жабдуқлар, тантанали маросимларга мўлжалланган найзалар ва иккита ҳашаматли қозон бор.

## Германия немис тилини биладиган муҳожирларни жалб қилиш ниятида

*Сурия пойтахти Дамашқ шаҳрида Германия элчихонасининг қайта очилишида нутқ сўзлаган ташқи ишлар вазири Анналена Бербок мамлакатда туғилиш даражасининг пастлиги бўшлиғини тўлдириш учун муҳожирларга эҳтиёж борлигини айтди.*

Унинг фикрича, Германия туғилиш даражаси унчалик юқори бўлмаган мамлакат, шунинг учун хориждан келиб яшовчилар жуда зарур.

“Бизга немис тилида мулоқот қила оладиган одамлар ҳам керак. Шу сабабли бутун дунё бўйлаб немис мактаблари ва университетларини ташкил этиш ҳаракатидамиз”, деди А. Бербок.

Эслатиб ўтамиз, Германия ташқи ишлар вазири қисқа вақт ичида Сурияга икки бор ташриф буюрди. У 2025 йилнинг январь ойида ҳам ушбу юртга борган эди.

## Килауэа вулқонининг отилиши давом этмоқда

*Гавайида ўтган йилнинг 23 декабрида ҳаракатга келган вулқоннинг янги фаоллик фазаси 25 март куни бошланди. 26 мартда вулқон лавалари 200 метрдан ортиқ баландликка отилган. Уч ой ичида жами 15 та фаоллик фазаси кузатилган бўлиб, улар 24 соатдан 12 кунга қадар давом этган.*

Вулқон ҳаракати туристларни ўзига жалб қилди, улар хавфсиз масофадан туриб, ушбу табиат ҳодисасини кузатмоқда.

Маълумки, Килауэа денгиз сатҳидан 1243 метр баландликда Гавайи оролининг жануби-шарқий қисмида жойлашган. У Тинч океани архипелагидаги энг фаол вулқон ҳисобланади. 2018 йилда ҳам Килауэанинг фаол фазаси май ойидан августга қадар давом этган бўлиб, ўшанда лава сабаб маҳаллий аҳоли эвакуация қилинган ва вулқон отилиши оқибатида юзага келган ёнғинлар натижасида 700 дан зиёд уйлар ёниб кетган эди.

**Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.**

## Қулайлик

# ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИДА ЯНГИ ЮК ТЕРМИНАЛИ

*Тошкент аэропортида йилига 120 минг тонна юк ўтказиш қувватига эга бўлган янги замонавий юк терминали иш бошлади.*



5,2 гектар майдонда жойлашган мажмуа юкларни сақлаш ва қайта ишлашнинг илғор технологиялари билан жиҳозланган бўлиб, мазкур минтақада логистика хизмати даражасини сезиларли оширади.

8500 квадрат метр майдонли омборхона қимматбаҳо буюмлар, озиқ-овқат, тиббий юклар, шунингдек, ўсимликлар ва тирик ҳайвонларни сақлаш учун махсус ҳудудларни ўз ичига олади. Замонавий совитиш ва музлатиш камералари (500 квадрат метр) мақбул ҳарорат режимини таъминлайди. Янги уч қаватли маъмурий бино (3000 квадрат метр) барча хизматлар фаолиятини самарали ташкил этиш имконини беради.

Энг сўнгги русумдаги ускуналар ва рақамли технологиялар туфайли терминал юкларни қайта ишлаш ҳамда сақлашда халқаро стандартларга жавоб беради, бу эса авиаташувчиларга тез ва ишончли хизмат кўрсатишни таъминлайди.

Янги юк терминалининг очилиши Ўзбекистон авиация логистикасини ривожлантиришда муҳим қадам бўлди, шунингдек, мамлакатда юк ташиш ҳажмининг муттасил ўсишига хизмат қилади.

**«Халқ сўзи».**





# ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР РОЛИ ҚАНДАЙ?

*Ўзбекистонда тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш, сифат менежменти тизимини жорий қилиш ва бошқаришда инновацион усулларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

## Ислоҳот одимлари

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробар кўпайтириш, шунингдек, мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 млрд. АҚШ доллари, жумладан, 70 млрд. доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш, инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмларини ошириш бўйича “пастдан юқорига” тамойили асосида янги тизимни йўлга қўйиш каби масалалар устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур юмушларнинг муваффақиятли бажарилиши республика тўқимачилик саноати корхоналарини стратегик ривожлантиришда қўл келади.

Аёнки, мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан бошлаб инвестициялар жалб этишга катта эътибор қаратилди. Бозор муносабатларига ўтиш мамлакат иқтисодиётининг макро ва микро даражаларида янги фаолият турларининг вужудга келиши ҳамда уларнинг ривожланишига асос солди. Мамлакатимизда очиқлик ва шаффофлик тамойили асосида иш юритиш туфайли иқтисодиётга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ошиб бориши кузатилмоқда.

Инвестицияларни бошқариш жараёни мураккаб бўлиб, бунда барча омилни ҳисобга олиш лозим. Фикримизча, инвестицияларни бошқариш — қабул қилинган стратегия асосида инвестициявий фаолиятни доимий равишда амалга ошириш ва ресурслар билан таъминланганлик устидан инвестор (давлат, корхона, хорижий сармоядор, фуқаро)ларнинг назоратидир.

Қулай инвестиция муҳитини яратиш — давр талаби. Мамлакатимизда бугун барқарор иқтисодий тараққиётга эришишни кўзда тутувчи узоқ муддатли стратегик дастурлар рўёбга чиқарилмоқда. Чунончи, Ўзбекистонда тайёрланган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ҳамда юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар, ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш шулар жумласидан. Албатта, бундай эзгу мақсадларни амалга оширишда инвестициянинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Янги Ўзбекистонда кўп жиҳатдан беқиёс, ўта қулай инвестициявий муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир. Бундай инвестициялар кўламини истиқболда янада кенгайтириш учун эса юртимизда катта имкониятлар мавжуд.

Айтиш жоизки, инвестиция харажатларини молиялаштиришда энг самарали манбалардан фойдаланиш талаб этилади. Бунинг учун иқтисодий шароитларни янада яхшилаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағларини қайта инвестициялашни рағбатлантириш механизмини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Айниқса, инвестициявий бозор инфратузилмасини ривожлантиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, шунингдек, инвесторларнинг бўш маблағларини иқтисодиётимизнинг турли соҳаларига фойдали ҳамда қулай шартларда йўналтирувчи молиявий институтларни ташкил этиш долзарб вазифалардан саналади.

Мамлакатда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни рағбатлантириш бевосита қуйидаги масалаларни ҳал этишга ёрдам беради:

— замонавий техника ва технологияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, сифатсиз, харидор талабига жавоб бера олмайдиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи эски техника-технологиялардан имкон қадар қутулиш;

— янги иш жойларини ташкил қилиш ва аҳолининг ишсиз қисмини иш билан таъминлаш, шу билан бирга, хорижнинг илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш ва шу орқали меҳнат унумдорлигини ошириш;

— жаҳон бозори талабларига мос, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш эвазига мамлакатга эркин айирбошланадиган валюталарнинг кўпроқ кириб келишини таъминлаш;

— инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибида Давлат бюджети улушининг юқорилигини ҳисобга олган ҳолда уларни босқичма-босқич қисқартириш;

— хўжалик субъектларида замонавий менежмент усулларини кенг қўллаш ва унинг ривожланиши учун замин яратиш;

— ички ва хорижий инвесторлар учун зарур бўлган ахборотлар базасини таъминлаш мақсадида нодавлат мулкчилик шаклидаги, холис ахборот хизмати тизимини яратиш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Тўқимачилик саноати корхоналарининг асосий қисми “Ўзбектўқимачиликсаноат” уюшмасига жамланган бўлиб, уларнинг 11 фоизи тўқимачилик, 89 фоизи тикув-трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

Тармоқни янада ривожлантириш мақсадида 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш дастурида 80 мингта янги иш ўрни яратишга қаратилган умумий қиймати 2437 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 225 та инновацион-инвестицион лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Ушбу лойиҳалар ижросининг ташкилий-иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда жаҳон тажрибасидан ҳам кўриш мумкинки, иқтисодий ҳодиса ҳамда жараёнларда ноаниқлик ҳолатлари ва унга таъсир этувчи омилларни миқдорий жиҳатдан баҳолашда иқтисодий-математик ва эконометрик моделлар ҳамда усуллардан кенг фойдаланиляпти. Айни моделлар асосида ушбу кўрсаткичлар бўйича ўрта муддат учун прогноз қийматлари ишлаб чиқилди. Унинг натижаларига кўра 2026 йилга бориб тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1,3 марта ва тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми эса 1,1 карра ортиши мумкин.

Умуман, инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишда ривожланган мамлакатларда тўпланган тажрибалар асосида Ўзбекистон иқтисодиётида қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тўғридан-тўғри хорижий сармояларни кенг жалб этишни рағбатлантирувчи механизмларнинг такомиллаштирилиши соҳада янги истиқболларни очади.

**Гўзал УМАРОВА,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Яшил» иқтисодиёт кафедраси профессори, DSc.**

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида «Шахмат мактаби» фаолияти йўлга қўйилди.**

Фахр



# Шахматчиларимиз — жаҳон чемпиони

*Аввал хабар берилганидек, Сербияда шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати якунига етди.*

Биз учун қувонарлиси шундаки, мусобақанинг умумий натижаларига кўра Ўзбекистон терма жамоаси учта олтин, иккитадан кумуш ҳамда бронза медалларини қўлга киритди.

Хусусан, “FIDE World School Chess Championships — 2025” мактаб ўқувчилари ўртасидаги жаҳон чемпионатида 13 ёшгача қизлар ўртасида Сарвиноз Бегмуратова олтин медалга сазовор бўлди. У тўққиз турда 7,5 очко тўплаб, баҳсларда мағлубиятга учрамади. Ҳамюртимиз ушбу муваффақияти билан “FIDE Women FIDE Master” (WFM) унвонини ҳам олди.

Бу ёшдаги ўғил болалар орасида Билолиддин Обидов кумуш медаль соҳибига айланди. 15 ёшгача қизлар ўртасида Нилуфар Имомқўзиева Сербия, Руминия, Ҳиндистон, Куба ҳамда Грузиядан келган кучли шахматчиларни мағлуб этиб, Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобига иккинчи олтин медални тақдим қилди.

Шу билан бирга, 9 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида Нурмуҳаммад Неъматуллахонов чемпионга айланди. Ушбу ёш тоифасидаги қизлар баҳсида эса Мадинабону Асадова учинчи ўриндан жой эгаллади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, 7 ёшгача қизлар ўртасида Моҳинур Аъзамхўжаева кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, 17 ёш тоифасида Хондамир Элмирзаев шоҳсупанинг учинчи поғонасини забт этди.

Мазкур ютуқлар мамлакатимизда спортга эътибор, хусусан, ақл гимнастикаси — шахматни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар самаралари, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИ ТАҲЛИЛИГА ИЛМИЙ ЁНДАШУВ

*Мамлакатимиз ўз миллий манфаатларига асосланган ҳолда очиқ, ўзаро ишончга асосланган, конструктив ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш йўлини танлаган. Бу кўп томонлама ташқи сиёсат бугун ўзининг прогрессив йўналиши ва тинчликпарварлиги билан халқаро майдонда ҳақли эътироф ҳамда олқишга сазовор бўлаётгани, жаҳон ҳамжамияти олдида Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ошиб бораётгани айни ҳақиқат.*

## Мутолаа

Кейинги йилларда мамлакатимиз ташқи сиёсатида энг устувор вазифалар Марказий Осиёда яхши қўшничилик муҳитини барпо этиш ва минтақавий хавфсизликнинг муҳим муаммоларини ҳал қилишга қаратилгани билан таҳсинга лойиқ. Давлатимиз раҳбари халқаро ҳамжамият эътиборини инсонпарварликка, миллий бағрикенгликка, ҳамжиҳатликка қаратиб келмоқда. Президентимизнинг минтақани барқарор, хавфсиз ва фаровон ҳудудга айлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари туфайли дунё минбарида “Марказий Осиё руҳи” деган мутлақо янги тушунча пайдо бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги кўринмас деворларни янги ўзбек дипломатияси билан парчалаб ташлаган ва халқлар бирлашувига ўзининг юксак ҳиссасини қўшаётган Юртбошимиз жасоратини бугун бутун дунё эътироф этмоқда.

Давримизнинг энг долзарб ва муҳим мавзуига бағишланган “Марказий Осиё минтақаларининг стратегик шериклигида янги давр” китобида ҳам Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиё минтақаси тараққиёти ва халқлари ҳаётига кўрсатаётган таъсири чуқур таҳлил қилинган.

Муаллифлар Х. Бозоров, М. Йўлдошев, Б. Шермуҳаммадов, Ю. Додобоев ва К. Боймирзаев қаламига мансуб мазкур асар минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг янги қирраларини очиб беради.

Китобда муаллифлар томонидан давлатимиз раҳбари ислоҳотларининг асосий йўналишлари, жумладан, ташқи сиёсат ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари атрофлича ёритилган. Ҳар бир йўналиш бўйича амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар, эришилган натижалар ва мавжуд муаммолар холисона баҳоланган.

Асарда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш борасидаги ташаббуслар ва уларнинг минтақа тараққиётидаги аҳамияти атрофлича ёритилган. Муаллифлар фикрича, Ўзбекистоннинг фаол ва конструктив минтақавий сиёсати бугунги кунда Марказий Осиёда барқарорлик ҳамда тараққиётнинг муҳим омилига айланмоқда.

Китобда келтирилган таҳлиллар ва хулосалар ишончли манбаларга, статистик маълумотларга ва экспертларнинг фикрларига асосланган. Муаллифларнинг илмий ёндашуви, мавзунинг тўлақонли таҳлили ва холис талқин китобнинг қимматини янада оширади.

Янги Ўзбекистоннинг стратегик ривожланиш концепцияси асосчиси бўлган давлатимиз раҳбарининг ислоҳот ва ташаббуслари ҳақидаги ушбу китоб талабалар, ўқитувчилар, тадқиқотчилар, олий таълим муассасалари, шунингдек, Марказий Осиё стратегик ҳамкорлигининг янги босқичи масалалари билан қизиққан илмий изланувчилар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади. Зеро, Марказий Осиё давлатлари стратегик шериклигининг янги даври ҳақида муҳим қарашлар, илмий таҳлиллар баён этилган ушбу китобни янги Ўзбекистоннинг кўп векторли ташқи сиёсий фаолиятига тутилган кўзгу, деб таърифласак, муболаға қилмаган бўламиз.

**Турғуной ЭГАМБЕРДИЕВА,**
**Фарғона давлат университети профессори, педагогика фанлари доктори.**

ЯНГИЛИКЛАР *хабарлар*

ТАФСИЛОТЛАР

## «Тоза ичимлик суви» лойиҳаси — мактабларда

*“Тоза ичимлик суви” лойиҳасини амалга ошириш доирасида Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус, Беруний, Қонликўл, Чимбой, Шуманай, Элликқалъа туманлари ва Нукус шаҳридаги яна 26 та умумтаълим мактабига замонавий сув тозалаш тизимлари ўрнатилди.*



“Замин” халқаро жамоат фонди хабарига кўра лойиҳа бошланганидан буён Қорақалпоғистондаги 232 та мактаб сувдаги зарарли аралашмалар, бактерия ва микроорганизмларни самарали бартараф этадиган ҳамда уни фойдали минераллар ёрдамида бойитадиган ускуналар билан таъминланди.

Натижада 150 мингдан ортиқ ўқувчилар сифатли ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

## «Тифло Брайль» — замонавий доска

*“Нурли маскан” махсус мактаб-интернатида кўзи ожиз ва заиф кўрувчи ўқувчилар таҳсил олади. Уларга таълим бошқалардан фарқли равишда Брайль алифбосидан фойдаланган тарзда берилади.*



Бухоро шаҳридаги мактаб-интернат ўқитувчиси Султон Султонов кўришда нуқсони бор болалар учун таълим олишда осонроқ, замонавий ва қулай бўлган “Тифло Брайль” доскасини ихтиро қилди.

Мазкур досканинг ўзига хослиги шундаки, унда ҳарфлар билан бирга рақамлар устида ҳам ишлаш мумкин. Қаҳрамонимиз доскани янада ихчамлаштирганидан сўнг у ўқитувчиларнинг дарс жараёнидаги асосий ўқув қуролига айланди.

## Тоғ бағрида яширинган икки тарихий шаҳар

*Археологлар Буюк Ипак йўлининг муҳим чорраҳаларидан бирида аввал номаълум бўлган иккита шаҳарни аниқлашди.*



Ўзбекистоннинг шарқий қисмидаги кўкаламзор тоғлар бағрида яширинган икки шаҳардан бири — Тугунбулоқ камида 120 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, денгиз сатҳидан 2 минг метр баландликда жойлашган.

Ўзбекистон Миллий археология марказидан хабар беришларича, қазишма натижаларига кўра Тугунбулоқ ва Тошбулоқ VIII — XI асрларда, яъни ўрта аср цивилизациясининг авж даврида гуллаб-яшнаган шаҳар марказлари бўлган. Бу шаҳарлар Марказий Осиёнинг катта қисмида ҳукмронлик қилган қудратли туркий сулола — қорахонийлар давлати таркибига кирган. Мазкур кашфиёт Буюк Ипак йўли ва унинг савдо йўллари тармоғи ҳақидаги кўп йиллик тасаввурларни қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда.

## Намангандан Испанияга

*Наманган вилоятидаги “Баркамол авлод” болалар мактабларининг бир гуруҳ иқтидорли ўқувчилари Испаниянинг Льорет-де-Мар шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро “Sea Sun Festival” тадбирида қатнашиш таклифини олишди.*

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги хабарига кўра мазкур тадбир жорий йилнинг 30 апрелидан 5 май кунига қадар бўлиб ўтади.

Ушбу фестивалда 6 нафар ўқувчи 5 та йўналиш бўйича ўз ижодий ишлари билан қатнашиб, халқаро майдонда куч синашади.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

# КИБР ВА ИСРОФ КАМБАҒАЛЛИК КЕЛТИРАДИ

*Мир Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” асарида шундай ёзади:*

*Сочмоқ овуч бирла гуҳар от учун,*
*Нақд этак бирла мубоҳот учун.*
*Ақл ҳисобидин эрур бас йироқ,*
*Бухл бу жудунгдан эрур яхшироқ.*

*Шоир бунда ном чиқармоқ учун дуру гавҳарларни ҳовучлаб сочмоқ ақлдан йироқликдир, дея бизни огоҳлантиради. Яъни шону шуҳратга, обрў-эътиборга дабдабабозлик билан эришилмайди. Бир умрлик иззату эътиборга тўй баҳона исрофгарчилик ила сазовор бўлинмайди. Манманлик ила тўкин бир оилани, яъни қуда томонни бир умр синдириб, қарздорлик ботқоғига ботириб, қариндошлик ришталарини боғлаб бўлмайди. Ҳолбуки, бировни қақшатиб, тўй ўтгандан кейин эгик бошини кўриб ҳузурланиш инсофдан эмас. Гўдакларнинг ризқини қирқиб, кексаларнинг умрини қисқартириб, баъзи бировларнинг хурмача қилиқлари, ўзи “ихтиро” қилган орзу-ҳавас ниқобидаги “обрў”си ила ҳурматга лойиқ бўлинмайди.*

## Мулоҳаза



Шу ўринда, кибр туфайли келиб чиқадиган исрофгарчилик турлари ҳақида гапирмоқчимиз. Масалан, вақт исрофгарчилиги, демакки, умр ва бахт исрофгарчилиги. Ризқ-рўз исрофгарчилиги — беҳудага кетган ҳалол меҳнат, пешона тери, саломатлик исрофгарчилиги. Бизнингча, кибр ва исроф сўзларининг ёнида қадрига етмаслик, инсофсизлик, лоқайдлик, нонкўрлик, бемеҳрлик ва ҳатто бешафқатлик, нобуд этиш, вайрон қилиш деган сўзлар ҳам туради.

Халқимизда “Нимани хор қилсанг, ўшанга зор бўласан”, деган ҳикматли гап бор. Бу ҳикматдан қўрқмайдиганлар — хор бўлишдан қўрқмайдиганлардир. Ҳовлисида 10 — 15 сотихдан кўпроқ ери бўла туриб, бу хазинадан унумли фойдаланмайдиган қишлоқдошларимиз Ер юзи аҳолисининг етмиш фоизида бир қарич ҳам шахсий ери йўқлигини билармикин? Ҳукумат даражасида томорқа хўжалигини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилаётган қарорлар халқнинг тўқ ва бадавлат яшаши, фаровон умр кечириши учун дастуриламал эканидан хабардормикан?

Албатта, йўқ. Хабари борлар ерга, ҳовлисидаги томорқага хазина дея қараб, аллақачон бой-бадавлат яшамоқда.

Маълумки, кундан-кунга, йилдан-йилга томорқани парваришлаш тажрибаси ошиб, элимиз етиштираётган мевалар дастурхонларимиз кўркига айланмоқда. Сурхондарёда 10 сотих еридаги иссиқхонага лимон қадаб, 80 миллион сўм даромад кўраётган, Тошкент вилоятида 4 сотих ерга бодринг экиб, 40 миллион сўм фойда қилаётган, 20 сотихли иссиқхонадан 130 миллион сўмдан зиёд даромад олаётган оилаларни кўрдим. Томорқадан фойдаланишда андижонликлар ҳам анча уста бўлиб кетишган, масалан, битта одам 16 сотих томорқадан унумли фойдаланиб, иссиқхонани йилдан-йилга кенгайтирмоқда, яқинда замонавий уйлардан ҳам сотиб олибди. Қолаверса, фарзандларини ўқитиб, келажагини яратмоқда.

Ҳа, уйғоқ одамларнинг вақти режалаштирилган бўлади, улар ёзда иссиқни, қишда совуқни баҳона қилиб, телевизорнинг рўпарасида ёнбошлаб ётмайди, замону макондан нолиб, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрувчилар эмас.

Қайд этиш жоизки, қишлоқларимизда ерни қадрловчилар кўп. Афсуски, лоқайдлар, “Олма пиш, оғзимга туш”, деб турганлар ҳам йўқ эмас. Уларни ерга ишлов беришни билмайди, дейишади. Йўқ, улар билмайдиганлар эмас, балки билишни хоҳламайдиганлардир. Ердан фойдаланиш учун катта илм керак эмас-ку ахир, озгина ҳафсала бўлса, бас.

Маълумотларга кўра Ер юзида 900 миллиондан зиёд аҳоли тўйиб овқатланмас экан. 2024 йилда эса дунёда очарчиликдан азият чекувчилар сони 1,6 миллиарддан ҳам ошиб кетибди.

Очиғи, шундай хабарларни ўқисам, кўз ўнгимга ахлат уюмлари ёнида бутун дунё аҳлига озғин қўлчаларини чўзиб “Нон беринг!” дея илтижо қилаётган гўдаклар, боласини бағрига босиб, бир парча нон, бир қултум сув сўраётган оналар, егулик излаб ўзга юртлар томон хору сарсон кетаётган эгилган бошлар, нон ҳиди келаётган мамлакатлар соҳилига етай деганда қайиқларга оғирлик қилиб, бола-чақаси билан чўкиб кетаётган минглаб оилалар келади.

БМТ мутахассисларининг фикрича, дунёда очарчилик муаммосининг кескин авж олиши ҳарбий можаро ва иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ. Элдошим, бир лаҳзага бўлсада, ўша очликка маҳкум гўдакларнинг ота-онаси ўрнига ўзимизни қўйиб кўрайлик. Ҳатто тасаввур қилишнинг ўзи қўрқинчли! Бола нон сўраса-ю, ота-она иложсиз бўлса... Демак, ҳовлимиздаги олтиндан қиммат ерга эгилиш, тупроқни ҳидлаш вақти етди. Ахир ундан барака ҳиди, райҳону жамбилларнинг бўйи келиши бизга боғлиқ эмасми? Тўкинлик, бахтиёрлик хонадонимизни тарк этмаслиги ўзимизнинг қўлимизда эмасми?!

Энг ёмони, бир ҳовлида меҳнатга ярокли учта одам яшаса-ю, ҳеч бири кетмон ушлаб ҳовлидаги ерга ишлов бермаса, қўйхона, молхонадан чиққан чиқиндиларни ивитиб, дарахтларни озиқлантирмаса, суғормаса. Таги юмшатилмаган боғ қандай боғ бўлади?! Томорқа қандай томорқа бўлади?! Қўшимча даромад қаердан келади? Хўш, бу қаровсизликдан қотиб, тошдай метинлашган ерларнинг уволи тутмайдими бизни? Дангасалик туфайли битта-битта қуриб, йўқолиб кетаётган бол томувчи боғларнинг уволи урмайдими?!

Она ер! Ҳа, биз, ўзбеклар ерни она сўзига қўшиб айтамиз. Ўзбекнинг далалари бор экан, у ҳеч қачон зориқмайди, нима ейман деб нолимайди, бировнинг қўлига қарамайди, ўзганинг боғларига ўғринча қайрилмайди, бегонанинг хирмонига қўл узатиб ғуруридан айрилмайди.

Момо ер! Биз ўзбеклар ер сўзини момо сўзининг ҳам ёнига лойиқ кўрамиз. Момо — онамизнинг онаси, отамизнинг онаси. Ўзбек момосини ташламаган, оғзига нон тутган қўлларни тишламаган-ку. Момонинг рўмоллари ўпилган, этакларида намоз ўқилган, букчайиб қолган елкасига меҳрлар ёпилган-ку! Қани момо ердан қарздорлик туйғумиз?! Ахир ундан уялиш керак. Биз момо ер олдида момомиз олдида уятдан қизаргандек қизармоғимиз лозим.

Қиш қиличини қайраб турган январь ойида Сурхондарёга бордик. Ҳосилга кирган лимонзорлардан кетгинг келмайди. Эшитишимча, лимон гулларининг ҳидини тиббиётчиларимиз “Ароматерапия” деб номлаб, айниқса, қиш чоғи асаби толиққан беморларга лимон экилган иссиқхонага кириб бирор соат ўтиришни тавсия қилишар экан. Лимоннинг ўзи-ку, неча хил дардга даво.

Бир йил томорқадан яхши даромад кўрган оила кейинги йил бундан кўпроқ фойда олади. Кейинги йил аввалги йилдаги камчиликларни такрорламайди. Тажриба аста-секин тўпланади, бу — муваффақият гарови. Чет элда тажриба катта пулга сотилади. Сурхондарёлик тадбиркор деҳқонлар эса лимончилик бўйича орттирган тажрибаларини қўшни вилоятлардан келган дўстларига ҳам бажонидил ўргатмоқда.

Ҳунар ўрганиш — масъулиятли жараён. Қадимдан ота-оналар ўз фарзандларини таълим учун устозга топширишдан олдин “Эти — сизники, суяги — бизники”, дейишган. Қаранг, устозга тананинг асосий қисми топширилмоқда. Ҳаммамиз яхши биламиз: агар эт, яъни гўштга эътибор берилмаса, авайланмаса, тоза тутилмаса, жоиз эса тузланмаса, у айнаб, ачиб, ҳатто қуртлаб кетиши мумкин. Гўшт яроқсиз бўлдими, қуруқ суяк кимга керак? Агар бола чиниқтирилмаса, ҳалолликка ўргатилмаса, мағлубият аламини тотиб, ҳар лаҳзада ўзидан кучлилар борлигини ҳис этмаса, сув юзига чиққан пуфакдан фарқи қолмайди.

Демак, боламиз аввал биз борган жойга боради. Шоир айтади: “Фосиқ ёнига борсанг, фосиқ бўладирсан. Ошиқ ёнига борсанг, ошиқ бўладирсан”. Худди шундай, бола жоҳил ёнига борса, жоҳил бўлади. Фозил ёнига борса, фозил. Фарзанд Аллоҳ томонидан берилган неъматдирким, унинг уволи, умрининг исрофи бизнинг бўйнимизда.

Шукрки, бугун миллат уйғонди. Кўрмоқдамиз, уйғоқ болаларимиз юрт шаънини юксак чўққиларга олиб чиқмоқда. Мана, эл ичра яхши ном чиқариш, мана, дунёга доврук солиш! Бу ўғил-қизларимиз, аввало, камтарин, ҳалол, имон-эътиқодли одамларнинг фарзандлари. Уларнинг ҳар бири янги Ўзбекистон болалари! Бизга яна минглаб Рустамлар, Нодирбеклар, Жавоҳирлар, Шамсиддинлар, Диёралар, Асилалар, Баҳодирлар, Ҳасанбойлар, Абдуқодирлар, Паҳлавонлар, Асилбеклар керак.

Ахир ҳар биримизнинг хонадонимизда истеъдодлар яшамоқда. Аввало, биз уларни танишимиз, тан олишимиз зарур. Топган-тутганимизни уларнинг соғлигини тиклаш, истеъдодини юзага чиқариш, имон-эътиқодини мустаҳкамлаш, меҳр-оқибатли, сабру қаноатли, меҳнаткаш, ватанпарвар бўлиши учун сарфлашимиз зарур. Ҳою ҳавасимиз, мақтанчоқлигимиз, манманлигимиз йўлида исроф этсак, келажак бизни кечирмайди. Унутмаслик лозимки, кибр ва исрофнинг бадали оғир. Ҳар бир исроф фарзандларимиз, миллат эртасининг ҳаққи, насибаси эвазига қилинаётганини виждонан ҳис этишимиз керак.

**Зулфия МЎМИНОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Республика Маънавият ва маърифат маркази «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзоси.**

**Бухорода имконияти чекланган ва ишсиз хотин-қизлар учун инклюзив IT маркази барпо этилмоқда.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 15 120 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.00 Топширилди — 03.20 1 2 3 4 5 6